Oʻzbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Ishtixon tumani
H O K I M I
QARORI

Р Е Ш Е Н И Е
Х О К И М А
Иштыханского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

*140704, Ishtixon shahri, Ishtixon koʻchasi-4-uy*
*Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54*

*140704,г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,*
*Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54*

**2016 у.г «6» июл** **№ 2250-к** **Ishtixon sh.-г.Иштыхан**

**Файзнобод ҚФЙ Шайхислом қишлоғидан фукаро "LOCHINBEK MAYDONI" МЧЖга "Сунъий копламали стадион" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 285-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари чора-тадбирлари тўғрисида"ги, қарорни ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, 1-сонли баённомасига асосан, "LOCHINBEK MAYDONI" МЧЖнинг танлов голиби деб эътироф этилган баённомани, "Даварxитектқурилиш" қўмитасининг Регламентига асосан "Сунъий қопламали стадион" объектини жойлаштириш бўйича "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 03-1688-858-сонли ижобий хулосани, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 2-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, 1-сонли баённомаси, "Даварxитектқурилиш" қўмитасининг Регламентига асосан "Сунъий қопламали стадион" объектни жойлаштириш бўйича "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 03-1688-858-сонли ижобий хулосаси ҳамда туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 2-сонли далолатномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Файзиобод ҚФЙ Шайхислом қишлоғи худудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман хокимлиги захира фонди ер майдонидан "LOCHINBEK MAYDONI" МЧЖга "Суъний қопламали стадион" қуриш учун 2000,0 (икки минг) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш хуқуки билан ажратилсин.

3. "LOCHINBEK MAYDONI" МЧЖга ажратилган ер майдонида "Сунъий қопламали стадион" қуриш бўйича белгиланган тартибда вилоят Табиатни мухофаза қилиш қўмитасидан давлат экологик экспертиза хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда объектни фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги хужжатларга ўзгартириш киритиш, "Сунъий қопламали стадион"ни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими** **Ш.Негматов**